

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУШМУРОДОВА ШАХНОЗА ШАЙМОНКУЛОВНА

**МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ МУАММОСИГА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ
(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)
in philological sciences**

Хушмуродова Шахноза Шаймонкуловна

Маданиятлараро мулоқот муаммосига лингвомаданий ёндашув

(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида) 3

Khushmurodova Shakhnoza Shaymonkulovna

The linguocultural approach to the problem of intercultural communication

(on the material of the Uzbek and English languages) 27

Хушмуродова Шахноза Шаймонкуловна

Лингвокультурный подход к проблеме межкультурной коммуникации

(на примере узбекского и английского языков) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУШМУРОДОВА ШАХНОЗА ШАЙМОНКУЛОВНА

**МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ МУАММОСИГА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ
(ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2018.3.PhD/Fil612 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.samdhti.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net)
манзилга жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Мирсанов Гайбулло Қулмуродович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Эргашева Гули Немонл қизи
филология фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар
берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» сентябр
соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой
кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс (998966) 210-00-18; e-mail: info@samdhti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида
танишиш мумкин 6020 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой
кўчаси, 93. Тел.: (99866) 233-78-43, факс: (99866) 210-00-18.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «5» декабр даги № 7 рақамли реестр баённомаси)



И.М. Тухтасимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, педагогика фанлари
доктори, профессор

А.А. Яшинев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фанлари номзоди, доцент

Ш.С. Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филология фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда тил соҳибларининг мулоқот жараёнидаги нутқий фаолияти билан боғлиқ лингвомаданий муаммоларга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда тил ўзлаштиришнинг лингвомаданий жиҳати масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Нутқий формулаларнинг қўлланиши, ибораларнинг бир тилдан бошқа тилга таржима қилиниши, маданиятлараро мулоқот соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш каби муаммолар лингвомаданий нуқтаи назардан янада тизимли ва кенг қўламдаги тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда. Маданиятлараро мулоқот бирликларининг лексик – семантик майдонини белгилаш ва улар нутқий фаоллашувининг концептуал изоҳига доир амалий натижаларга эришилди. Маданиятлараро муносабатлар доирасида юзага келадиган лисоний ҳодисаларга лингвомаданий ёндашиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида миллатлараро мулоқотга оид нутқий тузилмалар, нутқий актларни қўллаш услублари, турғун ибораларнинг прагматик вазифалари таҳлили жадаллашмоқда. Бу борада етакчи илмий марказларда тил ва маданият муаммоларининг антропоцентрик йўналишда тадқиқ этилиши турли миллат вакиллари эстетик онги, тафаккури билан боғлиқ ҳодисаларнинг лисонда воқеланиш тамойиллари ва миллат менталитетининг тилда акс этиши ҳодисалари лингвосемиотика, прагматика, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология соҳаларига оид тадқиқотларни янада долзарблаштирмоқда. Айни пайтда миллий-маданий жиҳатдан фарқланадиган қадриятларни акс эттирувчи лисоний воситаларнинг турли тизимдаги тилларга хос хусусиятларини асослаш, уларнинг маданиятлараро концептуал муштарак ва фарқли кўрсаткичларини жаҳон тилшунослигининг охириги ютуқларига таянган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият дунё мамлакатлари билан халқаро муносабатларнинг ривожланишига замин яратади. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, таълим тизимидан бошқа лисоний маданият вакиллари билан мулоқот юритиш малакасини тўлиқ эгаллаган касб эгаларини тайёрлашни жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепциясида “республика олий таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириш, илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида таълим дастурларини жаҳонда тан олинган халқаро стандартлар талабларига мослаштириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш”¹ вазифаси белгиланган. Шундан келиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

чиққан ҳолда маданиятлараро мулоқот муаммосига лингвомаданий ёндашувни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари; 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нутқий этикетга оид муаммолар Е.И.Беляева², Е.М.Верещагин³, В.Е.Гольдин⁴, В.В.Колесов⁵, А.А.Леонтьев⁶, С.С.Оганесян⁷, Н.И.Формановская⁸ кабилар томонидан тадқиқ қилинган. Маданиятлараро мулоқот муаммоларига бағишланган асарлар муаллифларининг фикрига биноан, мулоқот пайтида шунчаки ахборот бўлаги тақдим этилмасдан, балки у тафаккур ижодкорлиги ҳамда муайян муаммоларнинг ҳал этилиши ёки касбий тажриба алмашинувининг маҳсулидир. Вильгельм фон Ҳумбольдтнинг “Инсон ўз дунё тафаккури қамровида яшайди ва унга тил дунёни тасвирлаш учун хизмат қилади”⁹, деган ғояси дунё бўйлаб машҳур тилшунослар томонидан тан олинган. АҚШда В.Ҳумбольдт тарафдорлари сафида В.Д.Уитни, Дж.В.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир ва Б.Л.Уорф тил ва маданиятининг ажралмас эканлиги

² Беляева Е.И.. Принцип вежливости в речевом общении (способы оформления Декларативных высказываний в английской разговорной речи) // Иностранные языки в школе, 2005. - № 3. – С. 12-16.

³ Верещагин Е.М., Костомаров В.Г.. Язык и культура. – М.: Индрик, 2005. – 1040 с.

⁴ Гольдин В.Е.. Речь и этикет. – Москва: Просвещение, 2003. – 137 с.

⁵ Колесов В.В.. Культура речи и культура поведения. – Санкт-Петербург: Оракул, 2003. – 116 с.

⁶ Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии. – Москва: РАО/МПЦИ, 2001. – 127 с.

⁷ Оганесян С.С.. Культура речевого общения // Иностранные языки в школе, 2002. - № 5. – С.19-23.

⁸ Формановская Н.И.. Речевой этикет и культура общения. – Москва: Высшая школа, 2002. – 367 с.

⁹ Гумбольдт фон Вильгельм. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С. 31.

тўғрисидаги ғоянинг тарқалишига катта ҳисса қўшган. Улар орасидаги энг таниқлилари Э.Сепир¹⁰ ва Б.Уорф¹¹ тилшунослик тарихида лисоний нисбийлик назарияси асосчилари сифатида машҳур бўлган.

Шундай қилиб, XX асрнинг охириги чораги лингвомаданиятнинг шиддат билан ўрганиш ва янги йўналишнинг юзага келиш даври ҳисобланади. Мазкур соҳада изланишлар олиб борган энг таниқли тилшунослардан бири А.Вежбицкая “тил универсалиялари фарази”ни¹² таклиф қилиб, турли тилларда семантик универсалиялар ҳамда концептуал тафовутларга оид бир нечта нуфузли асарларни чоп эттирди: “Инглиз тили. Маъно ва маданият” (2006); “Турли тиллар ва маданиятларда ҳис-тўйғулар: тафовутлар ва универсалиялар” (1999); “Инглиз, рус, поляк ва япон тиллари мисолида маданиятни калит сўзлар ёрдамида англаш” (1997); “Семантика, маданият ва когниция: Инсоннинг универсал концептлар алоҳида маданий муҳитларда” (1992); “Маданиятлараро прагматика: шахслараро муносабатлар семантикаси” (1991). Яна бир таниқли тилшунос Дж.В.Андерхилл лисоний дунёқараш ва унинг шахсий олам манзарасида акс эттирилиши ҳамда ўзгариши ўртасидаги боғлиқларни тадқиқ қилган. Олим “Дунёқарашни яратиш: тил, мафкура ва метафора”¹³ ҳамда “Этнолингвистика ва маданий концептлар: Ҳақиқат, Муҳаббат, Нафрат ва Уруш”¹⁴ каби асарларида этнолингвистика, чоғиштирма лисоний таҳлил ҳамда маданий концептлар муаммосини кўриб чиқади.

Рус тилшунослигида тил ва маданият муаммоси борасида олиб борилган тадқиқотлари тез ривожланди. Лингвомаданиятшунослик соҳасида кўплаб илмий асарларни нашр эттирган Н.Ф.Алефиренко¹⁵, Н.Д.Арутюнова¹⁶, С.Г.Воркачѳв¹⁷, В.В.Воробьѳв¹⁸, В.И.Карасик¹⁹, Ю.С.Степанов²⁰ каби йирик тилшунос олимларнинг номларини айтиб ўтиш зарур.

Д.У.Ашурова²¹, Т.А.Бушуй²², М.Р.Галиева²³, А.Э.Маматов²⁴, Н.З.Насруллаева²⁵, Г.Ҳ.Раҳимов²⁶, Ш.С.Сафаров²⁷, И.М.Тухтасинов²⁸ каби

¹⁰ Sapir E. Culture, language and personality: Selected essays, 1949.

¹¹ Whorf B.L. Language, thought and reality. Edited by John B.Carroll.–University of California Press, 1949.–208 p.

¹² Wierzbicka A. Understanding Culture through Key Words: English, Russian, Polish and Japanese. –N.Y.-L.: Oxford University Press, 1997. – P. 89.

¹³ Underhill J. Creating Worldviews: Language, Ideology & Metaphor. – Edinburg University Press, reprint edition, 2013. – 312 p.

¹⁴Underhill J.Ethnolinguistics and Cultural Concepts: Truth, Love, Hate & War.– Cambridge University Press, 2012.

¹⁵Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта, 2010.

¹⁶ Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – Москва: Наука,1999. – 896 с.

¹⁷ Воркачѳв С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки, 2001. - №1. – С.64-72.

¹⁸ Воробьѳв В.В. Лингвокультурология. – Москва: Изд-во РУДН, 2008. – 340 с.

¹⁹. Карасик В.И. Язык социального статуса. – Москва: Ин-т языкознания РАИ, 1992. – 330 с.

²⁰ Степанов Ю.С.. Константы: Словарь русской культуры. – 3-е изд.испр. и доп. – Москва: Академический Проект, 2004. – 992 с.

²¹ Ashurova D.U., Galieva M.R. Cognitive linguistics. – Tashkent: VneshInvestProm, 2018. – 160 p.

²² Бушуй Т.А. Язык в истории развития человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011. – 384 с.

²³ Галиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши: Филол. фан. д-ри. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2019. – 77 б.

²⁴Маматов А.Э. Лингвокультурологик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари. // Филология ва маданиятлараро коммуникация: долзарб масалалар ва истиқболлар. – Тошкент, 30 апрель 2018. – Б. 58-60.

Ўзбек олимлари тил ва маданият муаммоларига бағишланган аҳамиятли тадқиқотларни олиб борган.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги маданиятлараро мулоқот самарасини таъминловчи лисоний ва нолисоний бирликларнинг структур-грамматик, лексик-морфологик, прагматик ва маданий жиҳатлари билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилшунослик муаммолари ва чет тилларни ўқитишнинг замонавий методлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маданиятлараро мулоқот самарасини таъминлаш билан боғлиқ ҳодисалар табиатини ёритиш, шу жумладан, ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий формулалар ва иборалар тизимида учрайдиган структур-грамматик, лексик-морфологик, прагматик ва маданий нуқтаи назардан ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг лисоний ва нолисоний омилларини аниқлаш;

маданиятлараро мулоқот актида фойдаланиладиган нутқий формулалар ва турғун ибораларнинг турли вазият ва прагматик мақсадларга биноан таснифини ишлаб чиқиш;

нутқий формулалар ва турғун ибораларни прагматик ва стилистик хусусиятларга биноан турларга тақсимлаш ҳамда маданиятлараро мулоқот ахборотини мазмунига кўра турларга ажратиш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги маданиятлараро мулоқотга оид лисоний бирликлар, нутқий формулалар ва жумлалар ўртасидаги лисоний-маданий номувофиқликларни ёритиш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий формулалар ва турғун ибораларни қиёслаш натижасида уларнинг структур-грамматик, лексик-морфологик, стилистик ва прагматик нуқтаи назардан ўхшашлик ва фарқли томонларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маданиятлараро мулоқотда фойдаланиладиган ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий формулалар ва турғун иборалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини маданиятлараро мулоқотда фойдаланиладиган ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий формулалар ва

²⁵ Насруллаева Н.З.. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира. – Дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 2018. – 250 с.

²⁶ Г.Х. Рахимов. Таржима назарияси ва амалиёти: дарслик-мажмуа. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 176 б.

²⁷ Ш.С. Сафаров. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧелГИК, 2018. – 315 с.; Ш.С. Сафаров. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 300 б.

²⁸ И.М. Тухтасинов. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. // Педагогик фанлари докторлик дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – 69 б.

турғун ибораларнинг семантик, структур-грамматик, лексик-морфологик, прагматик ва лингвомаданий хусусиятлари таҳлили ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёсий ва мантикий умумлаштириш, компонент таҳлили ҳамда маданиятлараро чоғиштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага келадиган лингвистик муаммоларнинг контекст шароитидаги лисоний ва нолисоний омиллари аниқланган;

маданиятлараро мулоқот жараёнидаги нутқий формулалар ва турғун ибораларнинг прагматик ва стилистик хусусиятлари аниқланиб, нутқий тузилмаларнинг лингвомаданий ва лисоний воқеланиши тиллараро чоғиштириш орқали очиб берилган;

маданиятлараро мулоқот актида фойдаланиладиган нутқий формулалар ва турғун ибораларнинг турли вазият ва прагматик мақсадлар учун фаоллашуви тавсифланиб, социопрагматик жиҳатдан асосланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий формулалар ва мулоқот ибораларини қиёслаш натижасида уларнинг структур-грамматик, лексик-морфологик жиҳатлари тиллараро изоморф ва ҳар бир миллий маданиятга хос алламорф жиҳатларини намоён қилувчи фарқли томонлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маданиятлараро мулоқотнинг лисоний муаммоларига боғлиқ бўлган жиҳатларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ўзбек ва инглиз тиллари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшунослик назарияси, грамматика, морфология, лексикология, ҳозирги ўзбек ва инглиз тили каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувида хизмат қилиши асосланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги нутқий формулаларнинг номутаносиб ҳолатлари структур-грамматик, лексик-морфологик, семантик, прагматик, лингвомаданий нуқтаи назардан ажратиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

маданиятлараро мулоқот жараёнида фойдаланиладиган нутқий формулалар ва турғун ибораларнинг характерли хусусиятларини ўрганишда энг ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши далилланган;

маданиятлараро мулоқот соҳасидаги мутахассислар ва таржимонлар учун лингводидактик тавсиялар тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлил қилинган материалнинг катта ҳажми ва ишончли манбалардан олинганлиги, ушбу соҳада илгари амалга оширилган тадқиқотларнинг назарий ҳолатларига таянганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли тошкilotлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бажарилган таҳлиллар жараёнида

эришилган турли тиллардаги нутқий формула ва турғун ибораларнинг қиёсий-типологик тадқиқи ва шу аснода лингвомаданиятшунослик ва таржимашунослик соҳалари ривож учун истиқболли йўналиш очиб бериши билан белгиланиб, ушбу натижалардан таржима фаолиятини такомиллаштириш мақсадида назарий манба сифатида фойдаланилиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида «Лингвомаданиятшунослик», «Лексикология», «Прагматика», «Таржима назарияси ва амалиёти» фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда, махсус фанларни ўқитишда, диссертация ишлари ва монографияларни ёзишда, шунингдек, нутқий формулалар луғатини тузиш амалиёти учун хизмат қилиши билан белгиланади ҳамда унинг материаллари олий таълим муассасалари филология ва таржима йўналишларида, халқаро мулоқот жараёнида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маданиятлараро мулоқот соҳасига оид лисоний муаммолар тадқиқи натижалари асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги маданиятлараро мулоқот жараёнида аниқланган нутқий формулалар ва турғун ибораларнинг қиёсий таҳлили асосида лисоний маданий номувофиқликларга оид хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4200 сон маълумотномаси). Натижада бир тилдан бошқа тилга таржима қилишда лингвомаданий мазмунини сақлаш ва уларнинг тиллараро деривацион муносабатларини ўрганиш имконини берган;

маданиятлараро мулоқот тизимида лисоний бирликларнинг фаоллигини таъминлашга оид хулосалардан И-204-4-5 рақамли “Виртуал ресурсларни яратиш ҳамда уларни инглиз тилига оид махсус фанлардан ахборот-коммуникацион технологияларда асосланган ҳолда таълим жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 89-03-2233-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда инглиз нутқий формулаларини, улардан фойдаланиш вазиятларини ўргатиш кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тиллараро чоғиштириш асосида жамланган нутқий мулоқотнинг лингвомаданиятга хос қонун-қоидалари дирасидаги тадқиқот материаллари Давлат таълим стандартларида асосланган “5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)” йўналишидаги бакалаврият талабалари учун мўлжалланган “Чет тили амалий курси” фанига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2156-сон маълумотномаси). Натижада инглиз нутқий формулаларини ўқитиш, маданиятлараро мулоқот тузилмаларини ўзбек тилига таржима қилиш, инглиз тили мутахассислари ва таржимонларни тайёрлаш амалиётини жадаллаштиришга хизмат қилган;

диссертациянинг турли тил тизимидаги фаол нутқ формулалари, уларни

қўллаш вазиятлари, фразеологик бирликларни ўрганиш бўйича хулосаларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом Самарқанд», «Таълимдаги ислохотлар», «Инглиз тили сабоқлари» кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 26 июндаги 09-01/217-сон маълумотномаси). Натижада айна кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 8 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 3 та хорижий ва 5 та республика илмий журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маданиятлараро мулоқотнинг асосий лисоний муаммолари”** деб номланган биринчи бобида (3 та бўлимда) маданиятлараро мулоқотнинг тил тизимлари ривожланишидаги ўрнига назар ташланиб, ушбу турдаги мулоқотнинг асосий муаммолари очиқ берилган ҳамда инглиз ва ўзбек тилларининг лингвомаданий хусусиятлари тавсифланган.

Тил – мулоқот воситасидир. Инсон мулоқотсиз ҳаёт кечири олмайди. Шу тарзда, тил инсон жамиятида ижтимоий вазифани бажариб келмоқда. Тил – тарих, иқтисодиёт, маданият, менталитет, динга оид ҳамда тил соҳибларига хос бошқа миллий-маданий маълумотларни акс эттирувчи тарихий ҳужжатдир. Қадимдан бўён тўпланиб келинаётган сон-саноксиз лисоний далиллар тилшунослар томонидан олиб борилган тадқиқотлар объектига айланди. Уларда нафақат муайян тилга, балки тиллар ўртасидаги ижтимоий-лисоний, этномаданий, семантик-структуравий ўхшашликлар ва тафовутларга эътибор берилмоқда. Шу тариқада, қиёсий ўрганиш лисоний тадқиқотларнинг алоҳида йирик йўналишига айланиб улгурди.

Олимлар “маданият” атамасини турли нуктаи назардан изоҳлайдилар. Эдвард Т.Холл маданиятни “одамларнинг ҳаёт тарзи, улар томонидан ўрганилган хулқ, муносабатлар ва моддий буюмлар намуналари йиғиндиси” сифатида таърифлайди²⁹. С.Шульц маданиятни қўйидагича тасвирлаб беради: “Маданият инсонларга ҳаёт ва ўзларини тушунишга ёрдам бериш мақсадида умумий одатларга эга бўлган инсонлар гуруҳининг билим ва эътиқодини ўз ичига олади. Барча инсонларда шунга ўхшаш онгости билими мавжуд, шу билан бирга, инсонлар ўз тили ҳақидаги билим соҳиблари ҳисобланади”³⁰. К.М.Шмитт ва Э.Фернинг фикрларига кўра, маданият “муайян муҳитда ўша муҳитга оид бўлган бошқа инсон каби ўзини тутиш ва ҳаракат қилишни эплаш мақсадида инсон сезиши ва бажариши керак бўлган нарсаларнинг йиғиндисидир”.³¹ П.Ньюмарк таъкидлашича, маданиятни “муайян тилдан ифодалаш воситаси сифатида фойдаланилган жамиятга хос ҳаёт тарзи ва унинг намоён бўлиши”³² мазмунида таърифласа бўлади. Шундай қилиб, маданият – инсонларни тарих, анъаналар ва қадриятларга мувофиқ фарқловчи ҳар қандай мамлакатнинг ягона рамзи ёки хусусиятларнинг мажмуасидир. Маданият инсон ҳаётида ҳамда жамият тараққиётида аҳамиятли ролни ўтайди. Маданиятнинг яхлит таърифи учта муҳим жиҳатга эга. Биринчидан, “маданият” атамаси муайян жамиятда сақланган билим мажмуаси, инсонларнинг ҳаётий тажрибаси ва ҳар хил меъёрлар йиғиндисини ўз ичига олади. Иккинчидан, маданият инсонлар аниқ бир жамиятда кундалик ўзаро мулоқот ёки нутқ орқали бир-бирига, авлоддан авлодга етказиб берувчи маданий хусусиятлар тизимидир. Ниҳоят, маданият инсонларни улар яшаётган муҳитга мослашишга ундаб, уларни аниқ мақсад сари бирлаштиради.

Маданиятнинг қўйидаги турларини фарқлашимиз мумкин: кундалик ҳаёт маданияти, нутқ маданияти, сиёсий маданият, миллий маданият, меҳнат маданияти, шахс маданияти. Бироқ, энг муҳим тақсимотга биноан, маданият моддий ва маънавий турларига ажратилади. Моддий маданият асбоблар, китоблар, иморатлар, кундалик ҳаёт буюмлари каби инсон фаолиятининг натижалари бўлган артефактларни ўз ичига олади. Маънавий маданият билим, одоб-ахлоқ, маърифат, илм, адабиёт, санъат, иймон-эътиқод каби инсон онгидаги қатламларни қамраб олади. Энг аҳамиятли атамалардан бири миллий менталитет, миллий феъл-атвор, ҳаёт тарзи, анъаналар, одатлар, удумлар, байрамлардан иборат бўлган “миллий маданият” тушунчасидир.

Мазкур бобда “маданият” тушунчасини миллий-маданий, баҳолаш, ижтимоий, меъёрий, вазифавий, матнга ва мулоқотга оид, когнитив, рамзий ҳамда қиёсий-типологик каби ёндашувлар татбиқида тавсифлаш масаласи ёритилган.

Турли лингвомаданиятлардаги фарқларнинг сабаби муайян миллат ёки

²⁹ E.T. Hall. The silent language. – New York: Anchor Books, 1990. – P. 57.

³⁰ Schultz S. Managing corporate communication: a cross-cultural approach. Macmillan International Higher Education, 2003. – P. 32.

³¹ K.M. Schmitt and E. Fehr. A theory of fairness, competition and cooperation. The quarterly journal of economics, 1999. – Volume 114. - № 3. – P. 819.

³² P. Newmark. Multilingual matters. Language arts and disciplines, 1998. – P. 94.

аниқ бир тилда сўзловчи жамиятнинг тарихий, маданий, диний, ахлоқий, ижтимоий омиллари орқали тушунтирилади.

Маданият доирасида инсонларни бир-биридан фарқлаш учун иккита асосий мезон мавжуд. Бир тарафда хилма-хилликнинг бирламчи мезонлари, ирк, жинс, ёш, ижтимоий табақа, жисмоний қобилият, феъл-атворнинг ўзига хос хусусиятлари каби туғма фарқлар мавжуд. Бунга мувофиқ, хилма-хилликнинг иккиламчи кўрсаткичлари бирламчиларига кўра осонроқ ўзгартириб бўладиган шароитларга хос бўлиб, таълим даражаси, иш тажрибаси ва даромадни ўз ичига олиши мумкин.

Инсонлар лисоний воситалар орқали ҳар хил маданият ва анъаналар тўғрисидаги ўз тажрибасини, билимини воқелантиради. Тил маданият билан кўпқиррали ва мураккаб йўсинда боғлиқ бўлади. Самарали мулоқотни ҳаёт тарзи, менталитет, дунёқараш, миллий феъл-атвор, анъаналар, иймон-этикод, қадриятлар тизимлари, ижтимоий хулқ турларини назарда тутувчи тил соҳиблари маданиятининг чуқур ва кенг кўламдаги билимларсиз амалга ошириб бўлмаслиги тан олинган³³.

Халқ маданияти тилшунослик доирасида акс этиб, ахборот тусини олади. Ҳақиқий, объектив маданият айнан тил воситасида тарқатилади. Бунинг негизида “лингвомаданиятшунослик” деб номланган янги йўналиш вужудга келди. Лингвомаданиятшунослик фани тилшунослик ва маданият алоқаси билан шуғулланиб, тилда муҳрланган инсонларнинг маданиятини тадқиқ қилади. В.Н. Телия лингвомаданиятни “замонавий маданият ва миллий ўзликни англаш доирасида тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш ва тасвирлаб беришга мўлжалланган фан”³⁴ сифатида таърифлайди. В.В. Воробьёвнинг таъкидлашича, лингвомаданиятшунослик “тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликни ва ўзаро муносабатларнинг ўз вазифаларини бажариш пайтида ўрганувчи мураккаб илмий йўналишдир”³⁵. В.В. Красных лингвомаданиятшуносликни “маданиятнинг тил ва нутқда намоишини акс этиши ва муҳрланишини ўрганувчи фан”³⁶ деб ҳисоблайди.

Лингвомаданиятшуносликнинг мақсади маданиятни тилда акс эттиришга, сақлашга ва узатишга имкон берувчи лисоний воситаларни ўрганишдан иборат. Мазкур фаннинг объекти маданиятга хос ахборотни ўз ичига олган тил бирликлари ҳисобланади. Лингвомаданий тадқиқотларнинг субъекти маданий ахборотни йиғиб олувчи, тил, маданият ва тилдан фойдаланувчи инсон ҳамда тил ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганувчи шахс. Қиёсий лингвомаданиятшунослик, ўз навбатида, турли тил сатҳларига (лексик, фразеологик, синтактик, стилистик) мансуб лисоний бирликларнинг миллий-маданий ўзига хослиги ва ҳар хил лингвомаданиятларнинг универсал хусусиятларини, турли миллатларнинг

³³ С.Г. Тер-Минасова. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000. – С. 26.

³⁴ В.Н. Телия. Первоочередные задачи и методологические проблемы исследования фразеологического состава языка в контексте культуры. // Фразеология в контексте культуры. – Москва: Языки русской культуры, 1999. – С. 16.

³⁵ В.В. Воробьёв. Лингвокультурология. – Москва: Изд-во РУДН, 2008. – С. 37.

³⁶ В.В. Красных. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: курс лекций. – Москва: ИТДГК Гнозис, 2002. – С. 27.

лисоний олам манзарасини; ҳар хил этносларга оид маданий қадриятларнинг ўхшашлик ва тафовутларни, маданий концептларнинг универсал ва миллий-маданий ўзига хослигини тилдан фойдаланишга таъсир қилувчи маданий омилларни тадқиқ қилишга мўлжалланган.

Ўзбек ва инглиззабон маданиятлари азалдан ривожланган узоқ ва бой тарихга эга. Мазкур тилларда турли хил вазиятларда фойдаланишга ихтисослашган лисоний бирликлар, сўзлар, иборалар мавжуд. Ушбу атамалар миллатларнинг ҳаёт тарзи, анъаналар, менталитет, ва айниқса, инсонларнинг ички ҳис-туйғулари, ҳар хил вазиятдаги муносабатларнинг рамзий ишораси бўлиб хизмат қилади. Уларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишга имкон бўлмаган ҳолда, чет элликларга аниқ ва тушунарли бўлиш мақсадида изоҳлаб берилиши керак. Мисол учун, ўзбек лингвомаданиятида “*Келинг*” (бирликда) ёки “*Келинлар*” (кўпликда) лўқмаси тез-тез учрайди. Мазкур иборалар “*Come*” (меҳмонга келиш таклифи) тариқасида таржима қилинади. Ўзбек халқи жуда меҳмондўст бўлиб, ўз қариндошлар, қўшнилар ёки дўстларни кўчада, дўконда, паркда учраганда одатда мазкур лўқмани қўллашади. Агар биз инглиз тили соҳибига “*Come to my place (home)*” тарзидаги гапни айтсак, у албатта таклифнинг аниқ вақти ва сабабини сўрайди, чунки инглизлар орасида бундай жумла норасмий мулоқотнинг одатий ибораси сифатида ишлатилмайди. Бошқа мисол тариқасида ўзбеклар бир-бири билан хайрлашганда айтиладиган “*Чарчаманг*” иборасини келтиришимиз мумкин. Мазкур тилакни инглиз тилига “*Don't be tired*” йўсинида ўгиришимиз мумкин. Ўзбек халқига мансуб одамлар учун ушбу ибора шунчаки мулоқот воситаси сифатида ишлатилиб, чарчаганликдан дарак бермайди. Ушбу ибора мулоқот актларида ўзаро алмашилинадиган ижобий тилак сифатида айтилади. Бироқ, инглиз тили соҳибига “*Don't be tired*” жумласини ғалати тилак сифатида қабул қилади, чунки инглиз маданияти учун бундай тилак ножўядир. Аксинча, улар бир-бирига “*Good luck*” (Омад ёр бўлсин) ёки “*Good mood*” (Яхши кайфиятда бўлинг) истакларини билдиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Инглиз ва ўзбек турғун ибораларидаги номувофикликлар турлари**” деб номланган бўлиб, унда (5 та бўлимда) ўзбек ва инглиз тилларидаги маданиятлараро мулоқотга оид лисоний бирликлар, нутқий формулалар ва жумлалар ўртасидаги лексик-морфологик, структур-семантик, прагматик ва ижтимоий-маданий номувофикликлар очиб берилган.

Нутқий формулалар маданиятлараро мулоқот жараёнида кенг миқёсда ишлатилади. Нутқий формулалар деганда, аниқ нутқий вазиятга мувофик турғун, суҳбат контекстларида тез-тез такрорланадиган иборалар тушунилади. Мазкур иборалар нутқий актда махсус вазифаларга эга, зеро улар ҳар хил миллат ва лингвомаданиятга мансуб одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси хизматини бажаради. Уларнинг ҳар бири аниқ нутқий вазиятга мўлжалланган.

Нутқий формулаларнинг фразеологик бирликлардан асосий фарқи уларнинг вазифасида кўринади, яъни улар фақат мулоқот воситаси

вазифасини бажаради, номинация жараёнида иштирок этмайди. Нутқий формулалар одатий нутқий вазиятларда фойдаланилган ҳолда у ёки бу коммуникатив-прагматик ахборотни тақдим этади. Нутқий формулалар куйидаги хусусиятларга эга: предикативлик, модаллик, оҳангнинг мураккаблиги, ҳозирги замон билан боғлиқлик. Ушбу хусусиятларнинг ўзгариши уларнинг маъноси ва вазифасининг алмашинувини келтириб чиқаради.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги барча нутқий формулалар куйидаги асосий гуруҳларга таснифланган: кундалик мулоқот формулалари ҳамда модаллик мазмунидаги жавоблар формулалари. Бундан ташқари, саломлашиш ва хайрлашиш, таништириш, табрик ва тилаклар, илтимослар, ҳис-туйғулар ва фикрларни ифодалаш, миннатдорчилик, таклифлар, розилик/норозилик, шубҳаланиш, узр сўраш, таскин, ҳамдардлик, маслаҳатлар, хушомад, маъқуллаш/рад этиш, рухсат/таъқиқ каби нутқий формулалар ажратилади. Ушбу нутқий формулалар инглиз ва ўзбек тилларида фарқ қилади, жумладан, инглиз ва ўзбекларга хос саломлашиш усуллари: кун пайти нуқтаи назаридан инглиз тилида бир нечта саломлашиш нутқий формулалари мавжуд: *Good morning! Good afternoon! Good evening! See you later! See you next week!* Ўзбек тилида ҳам куннинг турли қисмларига нисбатан махсус иборалар қўлланилади: *Хайрли тонг! Хайрли кун! Хайрли оқшом!* Бироқ, ҳар қандай вазият ва ҳар қандай пайтда кўпроқ умумий нутқий формулалар ишлатилади: *“Ассалому алайкум!”*

Бунинг устига, нутқий формулалар лисоний услуби ҳамда улар фойдаланилган вазиятга кўра ажралиб туриши мумкин, мисол учун, аниқ вазиятда: *How do you do?* – расмий муҳитда; *How are you?* – бетараф, кундалик мулоқотда ишлатилиши учун; *How is life going on?* – дўстлар билан норасмий учрашув учун. Ўзбек тилида расмий/норасмий нутқий формулалар ўртасида бундай қаттиқ чегаралар кузатилмайди. *“Яхшимисиз?”* ёки *“Қандайсиз?”* каби саволлари ҳар қандай вазиятга тўғри келади.

Нутқий формулалар қувонч, мамнунлик, таҳсин, ажабланиш, норозилик каби инсонларнинг ҳис-туйғуларини ифодалаш мумкин:

қувонч ва мамнунлик:

Инглиз: *Thanks to God, Thank Heaven, How great!;*

Ўзбек: *Худога шукур! Қандай яхши!;*

таҳсин, тасанно:

Инглиз: *Good for you!, By golly;*

Ўзбек: *Ажойиб! Зўр!* (кўпинча фақат битта сўз ишлатилади);

ажабланиш (ижобий):

Инглиз: *My God! Good God!, Good Lord!;*

Ўзбек: *Зўр! Қойил!*

ажабланиш (норозилик):

Инглиз: *My eye! In God's name, By Jove, For the Land's sake;*

Ўзбек: *Войдод! Нахотки! Вой, Худойим!*

Салбий вазиятлар билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларни ифодалашга хизмат қилувчи нутқий формулалар сони ижобий ҳис-туйғуларни ифодаловчиларга кўра кўпчиликти ташкил қилади.

Тадқиқотимиз натижалари кўрсатишича, юзлаб инглиз ва ўзбек ибораларини миллий маданиятдаги фарқлар сабабли бир тилдан бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди: *Merry Christmas!* – ўзбек варианты йўқ; *Treat or trick!* – ўзбек варианты йўқ; *Келин муборак!* – инглиз варианты йўқ; *Суннат тўй муборак!* – инглиз варианты йўқ.

Тадқиқотнинг муҳим босқичларидан бири бадий матнларда нутқий формулалар маъносининг фаоллашуви масаласини ўрганиш бўлди. Бадий асарлардаги диалогларда фойдаланилган мазкур иборалар ўзига хос прагматик маънога эга бўлади. Ушбу формулалар мулоқот иштирокчиларининг атрофдаги одамлар, буюмлар, ҳодисалар ва янгиликларга шахсий муносабатини намоён қилади:

“Forgive me”. He said, “But there are spies everywhere. That man with the beard, do you know him?”. “Exactly”, said Mr. Ontrage. “I think it would be better if we continued our conversation in private” (EWV, 97).

Бу ерда *“Forgive me”* ибораси кечирим сўрашни ифодаламасдан, балки мулоқот иштирокчисининг диққатини жалб этиш учун ишлатилган.

Баъзида нутқий формулалар бошқа ҳис-туйғуни ифодалайди. Мисол тариқасида, кўйидаги суҳбатда саломлашишнинг жуфт иллокуцияси тилакни назарда тутди:

Lady Bracknell: Good morning, dear Algernon. I hope you are behaving very well.

Algernon: I’m feeling very well, Aunt Augusta (OWI, p. 22).

Мазкур контекстда *“Good morning”* нутқий формуласидан саломлашиш маъносида фойдаланилмаётганлиги ушбу нутқий актнинг бошқа иборалар орқали воқеланишида намоён бўлади:

“I’ll come back at eleven tomorrow. When he wakes up give him eight drops of turpentine and three pounds of steak. Good morning”.

Мазкур нутқий тузилма миннатдорчилик, кечирим, хайрлашишни ифодалайди. Бундан ташқари, тингловчининг у ёки бу жавоби нутқий формуланинг туб маъносини англашда муҳим рол ўйнайди. Агар ифодалаш усули мулоқот иштирокчисининг жавобига тўғри келмаса, ушбу нутқий акт ўз мулоқот мақсадига эриша олмайди:

Liza: How do you do, professor Higgins? Are you quite well?

Higgins: (Choking): Am I ... (He can say no more).

Liza: But of course you are: you are never ill (BSP, p. 89).

Ушбу ҳолатда мулоқот низоси *“How do you do?”* нутқий формуласи сабабли вужудга келган, чунки профессор Хиггинс *“Are you quite well?”* иборасини “ақдан озгансиз” маъносида тушунди. Профессорнинг жаҳли чиқиб, бирорта сўз айтишга ҳам қодир бўлмай қотиб қолди. Лиза эса шунчаки профессордан ҳол-аҳвол сўраш ниятида бўлиб, уни хафа қилишдан йироқ эди.

Шундай қилиб, бадий матнларда нутқий формулалар ягона доимий маънога эга бўлмайди, чунки улар турли вазиятлар ва контекстларда ҳар хил прагматик маънони ортиради. Бадий услубда ёзилган матнлардаги нутқий формулалар асл муҳитни яратиб, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларини ифодалаб беради. Улар алоҳида коммуникатив мақсадга эга бўлиб, бутун матнга стилистик ва прагматик маънони бахш этади. Уларнинг деярли барчаси диалогик луқмаларда учрайди.

Инглиз ва ўзбек турғун ибораларининг кўпсонли лексик-морфологик, структуравий, семантик, прагматик ва маданий номувофиқликлари маданиятлараро мулоқот контекстида намоён бўлиши кузатилди. Уларни қуйидаги чизмада кўрсатиш мумкин:



Кўплаб инглиз ва ўзбек мулоқот жумлалари ўз синтактик тузилиши ва лексик-морфологик таркиби бўйича фарқланади. Мазкур ҳолатни нафақат маданий жиҳатдан, балки грамматик-морфологик нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилувчи ҳолатлари иккала тил кесимида таҳлил қилинди. Маълумки, инглиз тилида дарак гапда қўйидаги сўз тартиби ишлатилади: эга – кесим – тўлдирувчи. Аммо ўзбек тилида сўз тартиби инглиз тилидагидан тубдан фарқ қилиб, қуйидаги тузилиш бўйича ясалиши мумкин: эга – тўлдирувчи – кесим. Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек гаплардаги сўз тартиби мутлақ фарқ қилади³⁷.

Қўйидаги ибораларда бир хил маъно ҳар хил синтактик тузилмалар воситасида ифодаланмоқда: *Many happy returns of the day!* – *Тугилган кунингиз муборак!*; *I am glad to see you* – *Сизни кўрганимдан хурсандман*. Синтактик тузилма ва таркибий қисмлардаги фарқли ҳолатлар тез-тез учрайди: *All the best* – *Муваффақият тилайман*; *Take care* – *Соғ бўлинг*; *Happy journey* – *Оқ йўл*.

Авваламбор, мутлақ структуравий номувофиқлик ўзбек тилида эгалик қўшимчалари орқали, инглиз тилида эса эгалик олмошлари орқали ифодаланган эгалик категориясида мавжуд: *May I introduce you to my family?*

³⁷ Г.Х. Рахимов. Таржима назарияси ва амалиёти: дарслик-мажмуа. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – Б. 100-101.

– Сизни оиламга таништиришга руҳсат беринг; *You seem to be joking* – Менимча, ҳазиллашяпсиз; *This is your invitation, please.* – Марҳамат, сизнинг таклифномангиз. Мазкур мисоллардан инглиз-ўзбекзабон мулоқотининг иштирокчиси инглиз тилидаги барча эгалик олмошларни ҳамда ўзбек тилидаги эгалик кўшимчаларни билиши лозимлиги кўринади.

Прагматикада мулоқот иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш негизида муайян нутқий актда тил бирликларининг семантикаси ўрганилади. Инглиз ва ўзбек турғун ибораларининг прагматик номувофиқликлари тез-тез учрайдиган ҳодисадир. Ҳаттоки умумий иборалардан бўлган ўзбек тилидаги “*кечирасиз*” ва инглиз тилидаги “*sorry*”, “*pardon*”, “*excuse me*” кабилар ҳам маълум вазиятда ҳар хил прагматик вазифаларга эга бўлиб, турли прагматик маъно нозикликларини ифодалайди.

Қахвахона ёки базмхонада ўзбек таржимони “*Бу стол бўш*” жумласини инглиз тилига “*This table is free*” тарзида ўгирган тақдирда, мутлақ бошқа маъно узатилади, чунки инглиз сўзи “*free*” “*free of charge*”, “*not to be paid*” (бепул, тўловсиз) каби маъноларга эга. Шунинг учун мазкур жумла “*This table is vacant*” йўсинда, яъни “ҳеч ким бу столни ҳали банд қилмаган” маънода таржима қилиниши керак.

“*I’d like to invite you to my home*” жумласи кўпроқ расмий усулга хос бўлиб, ҳурматли меҳмонлар ёки хорижий ҳамкорларни таклиф этиш мақсадида ишлатилади. “*Come and see me*” ибораси қариндош, кўшни, таниш одам, яқин дўст ёки оила аъзоларига айтилиши мумкин.

Нутқий формулалар ва турғун ибораларининг прагматик ва стилистик хусусиятларига биноан, кўйидаги турлари ажратилди:



1. Бетараф (нейтрал) турғун иборалар ҳар қандай контекстда ишлатилиши мумкин бўлиб, барча тил услубларига мос келади.

2. Оғзаки нутқ турғун ибораларидан норасмий сўзлашув муҳотида фойдаланилади. Улар ёзма матнларда бадиий қаҳрамонларнинг нутқида пайдо бўлиши мумкин.

3. Китобий турғун иборалар кўпинча ёзма матнларда, оғзаки нутқда камроқ қўлланилади, уларнинг прагматик маъноси бой ва кўпқирралидир.

4. Поэтик турғун иборалар назм ва лирикада ишлатилади.

5. Атамашуносликка оид турғун иборалар илм-фан ҳамда инсон фаолиятининг махсус соҳасига тегишли бўлади.

Бундан ташқари, малакали ва зукко таржимон тарих, маданият, адабиёт, одатлар, анъаналар, ахлоқий ва диний тамойиллар, ижтимоий меъёрларни чуқур билиши лозим. Маданиятлараро мулоқотнинг самараси унинг иштирокчиси ёки таржимоннинг бой фон билимларига асосланади. Жумладан, қўйидаги сўз ва ибораларни инглиз тилига тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди, зотан улар ўзбек халқининг миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ: *келин, келинсалом, суннат тўй, Наврўз, сумалак, маҳалла, Яшанг!, андиша, мулло, қуда-анда, Ҳайит муборак!, Ували-жували бўлинглар* ва ҳоказо. Худди шундай муаммо билан *Merry Christmas, Boxing Day, pub, carol, Downing street, 10* каби инглиз сўзларни ва ибораларни ўгиришда дуч келамиз.

Инглиз тили соҳиблари билан мулоқот жараёнида турли хил иборалардан фойдаланаётиб, инглиз тилининг миллий ва маданий хусусиятларига эътибор беришимиз керак, зеро мазкур ибораларни таржима қилишда сўзловчининг мазкур вазиятга муносабати ўта муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, уларни луғатларда қайд этилганидек тўғридан-тўғри таржима қила олмаемиз, инглиз тилида кўп иборалар муайян контекст ва вазият билан боғлиқ бўлган ҳолда ҳар хил маънога эга бўлади.

Шундай қилиб, тил аждодларимиз мероси бўлиб, инсонлар ўртасидаги мулоқот шаклланишини таъминлаб, халқимиз тарихининг олдинги давр ва ўтмишини тасвирлашга қодир. Маданиятлараро мулоқот таржимондан чет тили ва нутқ этикетини мукамал билишни талаб қилади. Нутқий акт вазияти, мулоқот мақсадлари, тингловчилар, мулоқот услуги, ўзаро тушуниш даражасига мувофиқ бўлиши керак. Лингвомаданиятшунослик миллий менталитет, иймон-этикод, анъаналар ва одатлар, хулқнинг ижтимоий меъёрлари, этник хусусиятлар билан шуғулланади. Шахс маданияти адабий тилдан фойдаланишда намоён бўлади. Инсоннинг маданияти мумтоз адабиёт, билимдон ва ўқимишли одамлар, олимлар ва психологлар нутқи орқали бойтилиши мумкин. Уларнинг нутқи стандарт бўлиб, маданиятлараро мулоқот соҳасидаги бўлажак мутахассислар учун намуна сифатида хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Маданиятлараро мулоқотга оид муаммоларни ҳал этиш йўллари**» деб номланган учинчи боби (3 та бўлимда) тилнинг лисоний-маданий жиҳатлари тадқиқига бағишланган. Тадқиқотнинг мазкур бобида таржимонлар ва маданиятлараро мулоқот соҳасидаги бўлажак мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган лингводидактик тавсиялар тақдим этилган.

Тил мулоқотнинг асосий воситаси бўлиб, оламдаги объектларни номлаш ҳамда турли фикрларни ифодалаш учун хизмат қилади. Тил яхлит ва мураккаб тизим сифатида қўйидагича талқин қилинади: 1) турли вазифаларни бажарувчи сифатида; 2) мулоқот воситаси мақомида; 3)

товушли белгилар тизими кўринишида; 4) ахборот коди сифатида.

Социолингвистика тилнинг ижтимоий омилларини ўрганиб, лисоний материални тадқиқ қилишда ижтимоий мақсадларни кўзлайди. Америкалик олим Ж.Фишманнинг таъкидлашича, социолингвистика тилдан фойдаланишнинг ижтимоий жиҳатига мўлжалланган вариантини тадқиқ этади ва тилдан фойдаланувчилар эса ижтимоий тизим ва жараёнларнинг қисмлари ҳисобланади³⁸. Тилнинг ижтимоий жиҳати муайян ижтимоий ёки этник гуруҳлар вакилларининг махсус воситаларга мурожаатини ўрганиб, муаммоларни иккита йўналишда ҳал этади: тилдан жамиятга ва аксинча, жамиятдан тилга. Социолингвистика маданиятлараро мулоқот жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Турли халқаро анжуманлар, фестиваллар, мусобақаларда Ўзбекистоннинг вакили бўлиб қатнашувчи мутахассислар мулоқотнинг касбий ёки умумий шаклига қарамасдан, ўзбек маданияти соҳиблари ҳамда чет маданияти қабул қилувчиларидир. Баъзида мутахассисларимиз кўптилли маданий муҳит иштирокчиларига айланадилар. Чет тилларни эгаллаш миллий маданиятининг мукамал билишни талаб қилади. Маданиятлар ўртасидаги мулоқот ўз миллий маданиятини билиш шароитидагина муваффақиятли кечиши мумкин. Маданият билан боғлиқ хатолар осон кечирилмайди ҳамда хорижликларда сабий таассуротни уйғотади³⁹.

Эшитилган ахборотнинг мос тушунилиши маданиятлараро мулоқот доирасида нафақат матн маъносини англаш, балки касбий кўникмалар, баён этилган тушунчалар тўғрисидаги билимларга эга бўлиш, ҳамда мулоқот стратегиялардан тўғри фойдаланишни тақозо этади. Бу, албатта, мураккаб вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари, чет тилларни ўрганишнинг ахлоқий ва рухий тамойилларга асосланганлиги маданиятлараро мулоқотнинг унумдорлиги учун катта аҳамиятни касб этади⁴⁰.

Лингвомаданиятшунослик тил ва маданият ўртасидаги муносабат муаммосини камраб олган ҳолда, унинг асосий диққати лингвистик бирликларда гавдаланган маданий ахборотга қаратилган. Мазкур фан, шунингдек, концептуал ва миллий олам манзараларини акс эттирувчи универсал ва алоҳида маданиятга хос концептларнинг вербаллашувини ўрганади⁴¹. Лингвомаданиятшунослик доирасидаги тадқиқотларда қўйидаги асосий тушунчалар учрайди: маданий концепт, лингвокультурема/лингвомаданий бирлик, маданий код, маданий қадриятлар, маданий коннотация, маданий макон, маданий категориялар, лисоний шахс.

Фразеологик бирликлар ва мақоллар миллий-маданий ўзига хослик, маданий омиллар ва уларнинг тузилмасидаги реалиялар, рамзлар, тимсоллар

³⁸ J.A. Fishman. Language and ethnicity in minority sociolinguistic perspective. – Clevedon; Philadelphia: Multilingual matters, 1999. – P. 8.

